

Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасида бошланғич нархни пасайтириш юзасидан танлов утказиш натижалари бўйича хизмат кўрсатиш тўғрисидаги  
2022 й. «12» Декабрдаги **ЕТ-198517-сонли контракт** (ЛОТ № 22110012198517 30-11-2022 14:56)

Самарқанд шаҳри

“12” Декабр 2022 йил

Бундан буён “БУЮРТМАЧИ” деб аталувчи Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти академик лицейи номидан ўзининг устави асосида фаолият олиб боровчи раҳбари А.А.Матлюбов бир томондан ва бундан буён “ХИЗМАТ КўРСАТУВЧИ” деб аталувчи “JAVONIRBEK-DIYORBEK” Хусусий корхонаси номидан ўзининг устави асосида фаолият олиб боровчи директори М.Худайбердиев бошқа томондан, танлов утказиш натижалари бўйича ушбу контрактни қуйидаги тўғрисида туздилар.

### 1. КОНТРАКТ ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур контракт бўйича “Буюртмачи” хизмат кўрсатиш ишларини қабул қилиш ва тўлаш, “Ҳақ эвазига хизмат кўрсатувчи” эса буюртмачининг буюртмаси бўйича қуйидаги Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти академик лицейига юзни аниқловчи турникет(терминал) етказиш ва ўрнатиш хизмати ишларини бажариш мажбуриятини олади:

№	Ишнинг номи	Бошланғич нархи (ҚҚС сиз)	Контрактнинг умумий қиймати (битим суммаси ҚҚС сиз)
1	Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти академик лицейига юзни аниқловчи турникет(терминал) етказиш ва ўрнатиш (бажариладиган ишлар шартноманинг иловасида кўрсатилган)	15 220 000	15 020 000
	<b>Жами:</b>	<b>15 220 000</b>	<b>15 020 000</b>

1.2. Контрактнинг умумий суммаси (ҚҚС сиз) **15 020 000 (Ўн беш миллион йигирма минг) сўми**ни ташкил қилади.

1.3. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: **Бошланиши: “12” Декабр 2022 й. Тугаши: “31” Декабр 2022 й.**

### 2. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур контрактни ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ контракт умумий суммасидан 30% миқдорида (шартнома суммасининг 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг 30 банк иш куни ичида қабул қилиш далолатномаси, ҳисоб-фактура в.б. асосида тўлайди.

2.2. Контракт нархи электрон савдо натижаси бўйича белгиланади ва ўзгартирилмайди, контрактга қўшимча келишув тузиладиган ҳоллар бундан мустасно.

2.3. Ишлар яқунлангандан кейин “Ҳақ эвазига хизмат кўрсатувчи”, “Буюртмачига” бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномани тақдим этади.

2.4. “Буюртмачи” далолатнома ва унга илова қилинган бошқа ҳужжатларни олгандан кейин 10 банк иш куни ичида имзоланган далолатномани ёки ишларни қабул қилишни асосли равишда рад қилиш хатини “Ҳақ эвазига хизмат кўрсатувчи”га юбориш мажбуриятини олади.

2.5. Рад қилинган ҳолатда, ишларни қабул қилишни асосли равишда рад қилиниши юзасидан камчиликларни бартараф этиш рўйхати ва муддати бўйича томонлар ўртасида далолатнома тузилади.

### 3. КОНТРАКТНИНГ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Мазкур контракт белгиланган тартибда контракт талаблари ва шартларига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.2. Контракт шартларини бажаришни бир томонлама рад қилиш ёки контракт шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

3.3. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда контракт бажарилган ҳисобланади.



3.4. Буюртмачининг розилиги билан хизмат кўрсатиш ишлари муддатидан олдин бажарилиши мумкин.

3.5. Хизмат кўрсатиш ишлари бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан ишлар ҳажми ва уларнинг сифати кўрсатиладиган далолатнома бўйича қабул қилинади.

#### **4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ**

4.1. Буюртмачи:

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;

- савдолар ғолиби бўлган хизмат кўрсатувчи билан контракт тузиш ёки савдолар ғолиби бўлган етказиб берувчи (иш бажарувчи) билан контракт тузишни рад этиш муддатида рияз этилиши (ажратилган бюджет маблағлари ҳолатлари бундан мустасно);

- томонлар ўртасидаги контракт мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.2. Бажарилган ишларни танлаб олмаслик, шунингдек бажарувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни ишларни бажарганда, ишларни қабул қилиб олишни асоссиз равишда рад этганлик учун буюртмачи хизмат кўрсатувчига қабул қилиб олинмаган (ўз муддатида қабул қилиб олинмаган) ишлар қийматининг 5 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

Қабул қилиб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, хизмат кўрсатувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу ишлар бажарилганлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, қабул қилиб олинмаган (ўз муддатида қабул қилиб олинмаган) ишлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида ишлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи хизмат кўрсатувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи хизмат кўрсатувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдоридан пеня тўлайди.

4.4. “Ҳақ эвазига хизмат кўрсатувчи”:

- савдоларда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги;

- сифат, техник параметрлар ва таклиф этилаётган ишларни бажариш муддатлари “Ҳақ эвазига хизмат кўрсатувчи” буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган контракт шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар бажарилган ишлар сифати стандартлар, техник шартлар, қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи ишларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, ҳақ эвазига хизмат кўрсатувчидан сифати лозим даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдоридан жарима ундириб олишга, агар ишлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати лозим даражада бўлмаган ишлар бажарилганлик учун жарима етказиб хизмат кўрсатувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Хизмат кўрсатиш ишларини бажариш муддати ўтказиб юборилган ёки бажарилмаган ҳолларда “Ҳақ эвазига хизмат кўрсатувчи” “Буюртмачига” ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ пеняларнинг умумий суммаси бажарилмаган хизмат кўрсатиш ишлари қийматининг 50 фоизидан ошишига йўл қўйилмайди. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни контрактни тегишли тарзда бажариш ва хизмат кўрсатиш ишларини бажариш муддатини ўтказиб юборилиши ёки бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарларни қоплаб бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

#### **5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни иқтисодий судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иқтисодий судга мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли “Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қарорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу контракт бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

## 7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАШУВ

7.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини кафолатлайди.

7.2. Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Таъминотчи корхонанинг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Таъминотчи корхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

## 8. КОНТРАКТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур контракт ғазначилик бошқармасида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й. “31” декабргача амал қилади.

8.2. Контрактнинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда контракт бажарилган ҳисобланади.

8.3. Контрактнинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

## 9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

“ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ”	БУЮРТМАЧИ
Ташкилот номи : “ <b>ЈАВОНИРБЕК-ДИҲОРБЕК</b> ” <b>Х/К</b> Манзил: Самарқанд шаҳри, Рудакий кўчаси 97 уй Телефон: +99897 928-28-88 Факс: _____ СТИР коди: 305140115 ОКЭД: 95210 Х/Р: 20208000600815523001 Банк: Андижон ш., Хамкорбанк ОАТ банк бош офиси МФО: 00083	Ташкилот номи: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти академик лицейи Манзил: Самарқанд шаҳар А.Темур кўчаси 70 уй Тел/Фах: 66233-95-56 СТИР коди: 205816564 ИФУТ: 85320 Буюртмачининг Ғазна шахсий ҳисобварағи: Ш/В: 400110860184017092500079002 Самарқанд вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси ЯҒХ: 23402000300100001010 Банк номи: Тошкент ш Марказий банк ХККМ МФО: 30014 ИИН 201122919 Раҳбар _____ М.У. _____ А.А.Матлюбов

Директор: \_\_\_\_\_ М.Худайбердиев

М.У.

Хуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш): \_\_\_\_\_

Лицензия (диплом) № ва берилган санаси: \_\_\_\_\_

Хуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш): \_\_\_\_\_

Лицензия (диплом) № ва берилган санаси: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ Абдуллаева Д

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти академик лицейи ва  
 “JAVONIRBEK-DIYORBEK” Х/К ўртасида 2022 йил 12 декабрда тузилган  
 ЕТ-198517 сонли шартномага илова**


№	Махсулот номлари	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Етказиб бериш нархи	
1	Кабель UTP Cat 5e	Метр	200	4 250	850 000	
2	Face ID Терминал доступа с распознаванием лиц	Дона	4	2 750 000	11 000 000	
3	КОММУТАТОР 4 ПОРТОВЫЙ SWITCH	Дона	1	685 000	685 000	
4	Короба 25x25	Метр	10	12 000	120 000	
5	Блок питания 12V	Дона	1	165 000	165 000	
<b>Жами:</b>					<b>12 820 000</b>	
Монтажные работы					Сверлильные работы	300 000
					Установка коробов	100 000
					Прокладка UTP кабелей	500 000
					Монтаж и настройка оборудования	800 000
					Подключение к ЛВС заказчика	500 000
<b>Итого по монтажно-наладочным работам</b>					<b>2 200 000</b>	
<b>Хаммаси:</b>					<b>15 020 000</b>	

**Шартнома суммаси: 15 020 000 (Ўн беш миллион йигирма минг) сўм.**

**“ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ”**

**“JAVONIRBEK-DIYORBEK” Х/К**




**Директор:**   
**М.Худайбердиев**  
 (имзо)  
**М.У.**

**БУЮРТМАЧИ**

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти академик лицейи**



**Рахбар:**   
**А.А.Матлюбов**  
 (имзо)

# ГУВОҲНОМА



Юридик шахс

## "JAVONIRBEK-DIYORBEK" ХУСУСИЙ КОРХОНА

Ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган ҳолда юридик шахс - тадбиркорлик субъектининг тўлиқ номи

## "JAVONIRBEK-DIYORBEK" ХК

Юридик шахснинг қисқартирилган номи

305 140 115

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)

Ташкил этиш (қайта ташкил этиш, бошқа рўйхатга олиш, ахборотни ўзгартириш)

18.11.2017

Сана

554452

Тасдиқланди

Ташкилий-ҳуқуқий шакли:

ХУСУСИЙ КОРХОНА

Фаолият юритадиган манзил:

SAMARQAND VILOYATI, SAMARQAND SHAHRI, NULL

Томонидан берилган:

SAMARQAND SHAHRI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI



038434

